

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЖАББАРОВ ЗОКИРЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

**ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ УШЛАШ
ВАҚТИДА ЗАРАР ЕТКАЗИШГА ОИД ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ
НОРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Ички ишлар органлари фаолияти мисолида)**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик диссертацияси (PhD) автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации (PhD)

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD)

Жаббаров Зокиржон Қодиржонович

Ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида)..... 3

Жаббаров Зокиржон Қодиржонович

Совершенствование практики применения уголовно-правовых норм, касающихся причинения вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние (На примере деятельности органов внутренних дел) 25

Jabbarov Zokirjon Qodirjonovich

Improvement the practice of application of criminal-legal norms related to damage in detaining a person committed a socially dangerous act (on the example of the internal affairs bodies) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

Автореферат Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Тахририят-ноширлик бўлимида тахрирдан ўтказилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ў.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЖАББАРОВ ЗОКИРЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

**ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ УШЛАШ
ВАҚТИДА ЗАРАР ЕТКАЗИШГА ОИД ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ
НОРМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Ички ишлар органлари фаолияти мисолида)**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.
Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Босишга рухсат этилди: 15.01.2019.
Бичими 60x84 1/8. «Times New Roman»
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 3,5. Адади: 100. Буюртма: № 02.

100060, Тошкент, Я.Ғуломов кўчаси, 74.

«TOP IMAGE MEDIA»
босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2019.1. PhD /Yu 33 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Отажонов Абдоржон Анварович юридик фанлар доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Мирзаев Азиз Алишерович юридик фанлар доктори, доцент Холиқулов Умид Шодиёвич юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
юридик фанлар доктори

М.З. Зиёдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

А.Г. Закирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

ва эркинликларининг конституциявий кафолати: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент.: Тошкент Давлат юридик институти, 2011. – Б. 81-84.

20. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш жиноят-ҳуқуқий нормасини илмий тадқиқ этиш зарурати // Жамиятни ислоҳ қилиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб масалалари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 131-133.

21. Жаббаров З. Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида ушлаш вақтида зарар етказиш // Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ислохотлар: муаммо ва ечимлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 178-181.

pract) CE: A New level of (Ntegrat) ON.NT (E Modern world)» 7 th International Conference. – Sheffield, UK: Conference Proceedings Scope Academic House, 2018. – P. 23–26.

12. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили // Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. – Тошкент, 2007. – Б. 108-111.

13. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш институтининг такомиллаштириш билан боғлиқ айрим мулоҳазалар // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент.: ИИВ Академияси, 2018. – Б. 89-93.

14. Жаббаров З.Қ. Жиноятнинг олдини олиш мақсадида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш // Оилалардаги зўравонликларнинг сабаб ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хорижий тажриба: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – Б. 172-176.

II бўлим (II часть; II part)

15. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга доир қонунчиликдаги муаммолар // Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий-амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 67-69.

16. Жаббаров З.Қ. Наркотик моддалар билан қонунга хилоф равишда муомалада бўлган шахсларни ушлаш вақтида зарар етказишга доир айрим муаммолар // Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашнинг назарий ва амалий жиҳатлари: Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – Б. 163-166.

17. Жаббаров З.Қ. Вояга етмаган шахс томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш чораси // Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – Б. 316-318.

18. Жаббаров З.Қ. Жиноят қонунчилигида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш масалалари // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари: Илмий-амалий конференция материаллари.– Тошкент.: Тошкент Давлат юридик институти, 2010. – Б. 95-99.

19. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш жиноий-ҳуқуқий нормасининг вазифаси // Инсон ҳуқуқ

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар йили жиноят содир этган бир ярим миллиондан ортиқ шахс ушланади¹. Жиноят содир этган шахсларни қўлга олиш вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига жисмоний, қуролли қаршилик кўрсатганлиги учун уларга зарар етказилиши мумкин. Шахсни ушлаш вақтида унга зарар етказиш билан боғлиқ қоидалар БМТнинг «Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқотар қурол ишлатишнинг асосий принциплари»² тўғрисидаги дастури ҳамда ҳар бир давлатнинг миллий қонун ҳужжатларида белгиланган.

Жаҳонда инсониятнинг тинчлиги ва хавфсизлигига жиддий хавф солаётган терроризм, экстремизм, босқинчилик, одам савдоси, қурол-яроғ, наркобизнес, уюшган трансмиллий жиноятларни содир этган шахсларни ушлашнинг ҳуқуқий тартиби мукамал эмаслиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят содир этган шахсларни аниқлаш ва қўлга олишда қўлланиладиган замонавий техника восита ва технологиялари билан тўлиқ таъминланмаганлиги, суд-тергов органлари ходимларида ушлаш чегараларига доир билимларнинг етарли эмаслиги жиноят содир этган шахсни ўз вақтида ушлаш имконини бермаяпти. Қонунни қўллаш амалиётида инсон ҳуқуқлари устуворлиги ва хавфсизликни таъминлаш биринчи галдаги вазифа сифатида эътироф этилаётган бир пайтда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида у ва ушлаш чораларини кўраётган шахс ўртасидаги муносабатларни адолатли баҳолашга оид қонун нормаларини такомиллаштириш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ички ишлар органлари ходимлари томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида унга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, махсус восита ва ўқотар қуролларни қўллашнинг қонуний асослари яратилган бўлса-да³, 2012–2018 йилларда ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар 49,6 фоизга, ходимларнинг ўз хизмат бурчини бажаришларига қаршилик кўрсатиш ҳоллари 47,0 фоизга кўпайган, 2000–2018 йилларда ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш 42,5 фоизга, уларни содир этганлар сони эса 45,8 фоизга ошган⁴. Бугунги кунда ушбу қилмишларнинг сабаб ва шароитларини тадқиқ этиш, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларни ушлашнинг замонавий тизимини такомиллаштириш, шунингдек ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган қонун нормалари самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

¹ Преступность в странах мира. URL: <http://statgur.ru/journal/20180227>.

² Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар куч ва ўқотар қурол ишлатишларининг асосий принциплари» // тараққиёт дастури. https://Birlashgan_millatlar_tashkiloti.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016 йил 16 сентябрь) қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – 38-сон – 438-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот маркази ва Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг 2000–2018 йилларга оид статистик маълумотлари.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (2000), «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги (2012), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони, «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чоратadbирлар тўғрисида»ги 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-2883-сон, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон, «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ- 4075-сон қарорлари, Ички ишлар вазирлигининг «Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар куролни қўллаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 55-сонли 2017 йил 15 март буйруғи ва мазкур соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада таъминлашга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иктисодиётни шакллантириш» номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари Қ.Р. Абдурасулова, Б.Ж. Ахраров, З.Ф. Иноғомжонова, З.С. Зарипов, А.К. Закурлаев, А.Г. Закирова, И. Исмаилов, Р. Кабулов, Ю.М. Каракетов, А.А. Мирзаев, Б.Б. Муродов, А.А. Отажонов, Ю.С. Пулатов, М.А. Ражабова, М.Х. Рустамбаев, Б.С. Саломов, Г.З. Тўлаганова, Ф. Тахиров, У.Ш. Холиқулов, Р.Р. Шакуров, Р.Э. Қурбонов, А.С. Якубов ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада ўрганилган.

А.Г. Закирова, М.Х. Рустамбаев, Р. Кабулов, А.А. Отажонов, А.С. Якубов «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш», «ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш»нинг белгилари ҳамда амалдаги Жиноят кодекси нормаларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этганлар.

Ю.М. Каракетов, Р.Э. Қурбонов ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг зарурий мунофаа билан боғлиқлиги ва улар ўртасидаги фарқли жиҳатларни, Б.Б. Муродов ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқмаган шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли жиноят ишини тугатишни, Р.Р. Шакуров ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишни ижобий хатти-ҳаракатлар сифатида ўрганганлар.

Хорижлик олимлардан П.А. Береснев, Г.В. Бушуева, В.П. Диденко, Х.Д. Эдвард, А.Б. Иванов, И.В. Коробицин, И.А. Королева, О.В. Кондрашова,

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш: назария ва амалиёт: Монография. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 130 б.

2. Жаббаров З.Қ. Сравнительный анализ уголовно-правовой регламентации причинения вреда при задержании лица, совершившего общественно-опасное деяние // Право и жизнь. 232(10)-233 (11)-234 (12). – Москва. – 2018. – С. 84-94. (12.00.00; 18).

3. Жаббаров З.Қ. Уголовно-правовая регламентация причинения вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, в законодательстве зарубежных стран // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси. – Тошкент, 2009. – № 4. – Б. 80-82. (12.00.00; № 15).

4. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга зарар етказиб ушлаш билан боғлиқ муаммолар // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2010. – № 1. – Б. 109-112. (12.00.00; № 087).

5. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг зарурий мунофаа ва охириги заруратдан фарқли белгилари // Тошкент давлат юридик институти ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – № 4. – Б. 114-116. (12.00.00; № 15).

6. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқини кафолатланиши // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – № 1. – Б. 24-25. (12.00.00; № 10).

7. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ва унинг оқибатлари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – Тошкент, 2013. – № 1. – Б. 48-51. (12.00.00; № 12).

8. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш чегарасидан четга чиқиш тушунчаси ва белгилари // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – Тошкент, 2013. – № 3. – Б. 74-78. (12.00.00; № 12).

9. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш шароитининг кримнологик тавсифи // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – Тошкент, 2014. – № 1. – Б. 67-69. (12.00.00; № 12).

10. Жаббаров З.Қ. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқишнинг ҳуқуқий таҳлили // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – Тошкент, 2017. – № 3. – Б. 54-58. (12.00.00; № 12).

11. Jabbarov Z. Subjective indications of the crime exceeding the necessary measures of detention who has committed a socially dangerous act // «SC (Ence and

by the officer of law-enforcement bodies» of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan approved by the Order No. 55 on March 15, 2017 (Inquiry of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan No. 33/0507-2235, 28.07.2018). Implementation of these proposals serves to strengthen the necessity of appropriation of danger level and features of the person's activity for the use of physical force, special means and firearms.

Proposals for the rights to use firearms without warning of the officers of law enforcement bodies to neutralize the persons who are willing to commit terrorist acts, threatening the life of the person and the officers of the organs of internal affairs are taken into consideration in preparation of the paragraphs 31-32 of the instruction «The instruction about the order of use of physical force, special means and firearms by the officer of law-enforcement bodies» (Inquiry of the MIA of the Republic of Uzbekistan No. 17/2-83, June 01, 2018). Implementation of these proposals serve to strengthen the rights to use firearms without warning of the officers of law enforcement bodies to neutralize the persons who are willing to commit terrorist acts, threatening the life of the person and the officers of the organs of internal affairs.

The structure and volume of the dissertation. The dissertation consists of introduction, three chapters, conclusion, list of used literature and appendix. The volume of the dissertation is 156 pages.

В.Е. Пономарь, М.М. Пронина, А.В. Никуленко, А.В. Савинов, И.Р. Сичинава, Л. Роберт, И.С. Тишкевича, С.А. Язвина, С.А. Якунин – ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг назарий ва амалий жиҳатларини, С.М. Старих, Е.В. Донец – ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиққанлик учун жавобгарлик доирасини, Л. Эйнн, Ю.В. Баулин, В.А. Блинников, А.П. Дмитренко, Д.А. Дорогин, Ю.Е. Духовник, Н.Г. Кадников, М.Сисик, Н.Н. Турецкий, Е.В. Шелконогова, В.И. Ткаченко – қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатларни, В.А. Бикмашев, В.Е. Новичков, К. Рахимжанова, А.С. Рабаданов, П.Г. Ренден – ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларнинг ички ишлар органлари фаолиятида қўлланишини тадқиқ этганлар.

Аммо ушбу тадқиқотларда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг муайян жиҳатлари қисман ўрганилган, холос. Лекин, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммолар комплекс равишда ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси жиноят ва жиноят-ижроия қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» илмий-тадқиқот ишининг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар органлари ходимлари томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш институти шаклланиши ва ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш;

«ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш» тушунчасини ва унинг қўлланиш амалиётини таҳлил қилиш асосида унга янги таъриф бериш;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишдан кўзланган мақсад ва ушбу чоранинг аҳамиятини таҳлил қилиб, амалдаги Жиноят кодексининг тегишли моддасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ушланаётган шахс содир этган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини аниқлаш ҳамда уларга мос ҳолда зарар етказиб ушлаш чегараларини белгилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

қуролланган ёки қуролланмаган шахсларга зарар етказиб ушлаш тартиби ва чегараларини аниқлашга оид қонун нормаларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш;

«ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш» тушунчасининг амалдаги таърифини таҳлил қилиш, унга ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда жавобгарлик белгилашга оид тақлифлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишига оид жинойт-ҳуқуқий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг предмети ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ҳамда уни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиққанлик учун жавобгарлик белгиловчи нормалар, назарий қарашлар, ғоялар ва уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация мавзусига оид масалаларни тадқиқ этишда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, умумлаштириш, дедукция ва индукция, анализ ва синтез, тизимли ёндошув, тарихий-ҳуқуқий таҳлил, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қуролнинг қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахс хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши зарурлиги асослантилган;

жинойт ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш, ходимнинг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилишини бартараф этиш ва бошқа усуллар ходимнинг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминламаса, шахсан ўзи ёки бўлинма (гурух) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усуллари қўллаш ҳуқуқига эга эканлиги асослантилган;

ички ишлар органининг ходими ўзи ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита таҳдид солаётган хавф мавжуд бўлганида ёхуд террорчилик ҳаракатларини содир этмоқчи бўлган шахсларни зарарсизлантиришда ўқотар қуролни огоҳлантиришсиз қўллаши асослантилган;

жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғига ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган бўлса, ходим ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлаши, ҳолат тўғрисида ички ишлар органлари раҳбари томонидан дарҳол ҳудудий прокурорга хабар берилиши ва ваколатли раҳбар томонидан хизмат текшируви ўтказилиши лозимлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот «зарурий мудофаа», «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш», «жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар» белгиланган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқлар, қонунни қўллаш амалиётидаги муаммоларни бартараф этиш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тергов ва суд амалиётида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга оид қонун нормаларини қўллашда учраётган муаммоларни бартараф этиш, ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга

INTRODUCTION (annotation of doctoral dissertation)

The aim of the research is elaboration of proposals and recommendations on improvement the application of criminal-legal norms related damage in apprehending person who committed socially dangerous act by the officers of the organs of internal affairs.

The object of the research is criminal-legal relations related damage in apprehending person who committed socially dangerous act by the officers of the organs of internal affairs.

Scientific novelty of the research are followings:

conditions under which use of physical force, special means or firearms will correspond to the developed circumstance, features and level of danger of the action of the persons are grounded;

use of right of the officer personally or together with the division (group) to use physical force, including fighting types of hand-to-hand fight in case when the methods without the use of force used for taking persons to the organs of internal affairs or other law-enforcement bodies cannot provide performance of the obligations for prevention of crime or an administrative offense, elimination of attempts of rendering resistance to legal requirements of the officer of the law-enforcement bodies is grounded;

officer of law-enforcement bodies is obliged to warn before use of firearms that existence of danger of directly life-endangering officer or citizens are an exception, and at neutralization of the persons committing terrorist actions firearms are used without warning is grounded;

in case of infliction of harm to life, to the health of the citizen or a property of natural and legal entities as a result of use of physical force, special means and firearms, officer should leave without change the scene of crime that the head of law-enforcement body has to report immediately about the matter to the territorial prosecutor and the authorized head has to make office investigation is grounded.

Implementation of results of the research.

On the basis of researches on improvement of criminal and legal norms concerning infliction of harm during detention committed socially dangerous act and practice of their application were developed:

proposals for improvement of practice of application of the norms concerning infliction of harm during detention by the officer of law-enforcement bodies of the person who committed socially dangerous act were used in development of 22, 23 and 24 articles of the Law «About law-enforcement bodies» adopted on September 16, 2016 (Inquiry of the Committee of defense and safety of Legislative Chamber of Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan No. 1835/04 on July 13, 2018). It gives the opportunity to eliminate problems in definition of the order use of physical force by the officer of law-enforcement bodies, special means and firearms and application of these norms in practice;

proposals directed to the proper use of physical force, special means and firearms by the officer of law-enforcement bodies were considered in preparation of «The instruction about the order of use of physical force, special means and firearms

The theme of dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B 2019.1. PhD/Yu 33.

The doctoral dissertation is prepared at the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.

The abstract of the dissertation was posted in two (Uzbek, Russian, English (resume)) languages on the website Scientific Council at www.tashpmi.uz and on the website of «ZiyoNet» Information and educational portal www.ziyo.net.

Scientific consultant:	Otajonov Abrorjon Anvarovich Doctor of Science in Law, Associate Professor
Official opponents:	Mirzaev Aziz Alisherovich Doctor of Science in Law, Associate Professor Kholikulov Umid Shodievich Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor
The leading organization:	National guard of the military technic institute of the Republic of Uzbekistan

The defence of the doctoral dissertation will be held on «__» _____ 2019, at __ at the meeting of the Scientific Council № DSc.27.06.2017.Yu.25.01 at Academy of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan (Address: 68 Intizor str., M.Ulugbek district, 100197 Tashkent. Tel./Fax (+99871) 265-22-52), e-mail: info@akad.mvd.uz).

The dissertation can be looked through in the Information Resource Centre of Academy of the Ministry of internal affairs of the Republic of Uzbekistan (registered under № ____). Address: 68 Intizor str., M. Ulugbek district, 100197 Tashkent. Tel./Fax (+99871) 265-22-52.

Dissertation abstract was circulated «__» _____ 2019.
(Registry protocol № __ from «__» _____ 2019).

A.S. Tursunov
Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law

M Z. Ziyodullayev
Scientific Secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law, Associate Professor

A.G. Zakirova
Chairman of the Scientific Seminar under the Scientific Council for awarding scientific degrees, Doctor of Science in Law, Professor

чикиб содир этилган жиноятларни тўғри квалификация қилишга қаратилган «Зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Ички ишлар органи ходимлари томонидан ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида куч ишлатиш ва зарар етказиш тартиби ҳамда уларнинг чегараларини белгилаш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг «Зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида куч ишлатиш ва зарар етказишга оид қонунчиликни ички ишлар органи ходимлари томонидан қўллаш тўғрисида»ги йўриқномаси лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Мазкур тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган хулосалар 2000-2018 йилларда республикамиз судларида қўрилган 300 та жиноят ишлари бўйича ҳукмлар, 50 та ИИВнинг хизмат текширув хулосалари, 1100 дан ортиқ олимлар ва амалиёт ходимлари орасида ўтказилган сўровлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш орқали асосланган.

Хулосалар муаллифнинг тадқиқотдан кўзланган мақсад ва унга эришиш учун белгиланган вазифаларнинг ечимини топишга оид қарашлари, таклифлари ҳамда статистик маълумотларни умумлаштиришга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқот ишида фойдаланилган материаллар тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апрабациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлиги белгиланган нормалар ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, жиноят ҳуқуқи, жиноятларни квалификация қилиш фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, келгусида илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ички ишлар органлари амалиётда ходимларнинг ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсларга зарар етказмасдан ушлаш фаолиятини такомиллаштиришга, шунингдек ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чикиб, зарар етказганлик учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг бир хилда қўлланилишига, соҳага оид йўриқномаларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишга оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни, уларни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишига оид нормаларни қўллаш

амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлардан 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунининг 22, 23 ва 24-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2018 йил 13 июлдаги 1835/04-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус восита ва ўқотар қуролни қўллаш тартибини белгилаш ҳамда ушбу моддаларни қўллаш амалиётидаги куч ва зарар етказиб ушлаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш имконини берган;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситалар ва ўқотар қуролни тўғри қўллашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 15 мартдаги 55-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус восита ва ўқотар қуролларни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»ни тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 28 июлдаги 33/05-07-2235-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши жисмоний куч ишлатилиши, махсус воситалар ёки ўқотар қуролнинг қўлланилиши юзага келган вазиятга, шахс хатти-ҳаракатларининг хусусиятига ва хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши зарурлигининг мустаҳкамланишига хизмат қилган;

ички ишлар органлари ходимларига ўзи ёки бошқа фуқароларнинг ҳаётига бевосита таҳдид солаётган хавф мавжуд бўлганида ёхуд террорчилик ҳаракатларини содир этмоқчи бўлган шахсларни зарарсизлантиришда ўқотар қуролни огоҳлантиришсиз қўллаш ҳуқуқини беришга доир таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017 йил 15 мартдаги 55-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус восита ва ўқотар қуролларни қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»нинг 31-32-бандларини тайёрлашда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 1 июндаги 17/2-83-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ички ишлар органлари ходимларига ўзи ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита таҳдид солаётган хавф мавжуд бўлганида ёхуд террорчилик ҳаракатларини содир этмоқчи бўлган шахсларни зарарсизлантиришда ўқотар қуролни огоҳлантиришсиз қўллаш ҳуқуқини беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан 1 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 20 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2017.Yu.25.01 AT THE ACADEMY OF THE MINISTRY
OF INTERNAL AFFAIRS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ACADEMY OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

JABBAROV ZOKIRJON QODIRJONOVICH

IMPROVEMENT THE PRACTICE OF APPLICATION OF CRIMINAL-
LEGAL NORMS RELATED TO DAMAGE IN DETAINING A PERSON
COMMITTED A SOCIALLY DANGEROUS ACT
(On the example of the internal affairs bodies)

12.00.08 – Criminal law. Offence prevention. Criminology.
Criminal-executive law.

ABSTRACT OF THE DISSERTATION OF THE
DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON SCIENCE IN LAW

Tashkent – 2019

соответствии с положениями, предусмотренными статьей 37 Уголовного кодекса Республики Узбекистан».

III. Научные рассуждения и рекомендации, касающиеся следственной и судебной практики

3.1. Рекомендовано ввести дополнение в пункт 13 главы 1 Приказа Министра внутренних дел Республики Узбекистан за №55 от 15 марта 2017 года «Инструкции о порядке применения сотрудниками органов внутренних дел физической силы, специальных средств и огнестрельного оружия»: «Если применение сотрудником физической силы, специальных средств и огнестрельного оружия будет признано осуществленным на основании и в порядке, определенном законодательными актами Республики Узбекистан и настоящей Инструкцией, он не несёт ответственность за вред, причиненный физическим и юридическим лицам»; пункт 32 главы 3: «Огнестрельное оружие применяется без предупреждения при следующих обстоятельствах: обезвреживание лиц, пытающихся осуществить террористические действия».

3.2. Разработан проект приказа Министра внутренних дел «Об утверждении Инструкции о применении сотрудниками органов внутренних дел законодательства, касающегося применения физической силы и причинения вреда при осуществлении необходимой обороны или при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние».

3.3. Разработан проект постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан «О применении судами законодательства, касающегося осуществления необходимой обороны или причинения вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние».

3.4. В целях защиты сотрудников органов внутренних дел от опасных посягательств на их жизнь и здоровье, честь и достоинство, имущество во время исполнения служебных обязанностей, а также проведения специальных практических занятий по применению физической силы при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, целесообразно создать в Академии Министерства внутренних дел дополнительные условия для проведения таких занятий.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг тарихий ва жиноят-ҳуқуқий таҳлили»** деб номланган биринчи бобида ушбу институтнинг шаклланиши ва ривожланиши, «зарар етказиб ушлаш» тушунчасининг назарий-методологик асослари, ички ишлар органларида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг мақсади ва аҳамияти тарихий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида «Авесто»да ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни унга зарар етказган ҳолда ушлаб келтириш ижобий ҳаракат сифатида баҳоланганлиги, ўрта асрларга оид «Ҳидоя» ва «Ясоқ» қонунларидаги ушлаб келтириш билан боғлиқ қоидаларда шахснинг ҳаётини мулк қиймати билан ўлчаш ҳолатлари кузатилган. Масалан, ўғрини орқасидан қувиб бориб ўлдирган одам жазоланмаган. «Темур тузуклари»да давлат фақат адолатли қоидалар асосида қурилиши, яъни қоида бузган айбдор шахс ушлаб келтирилиб, қозига топширилиши ва унга нисбатан адолатли жазолар берилиши белгиланган. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида эса шариат нормаларига амал қилиниб, қоидабузарни ушлаш пайтида «жонга – жон, кўзга – кўз, бурунга – бурун, тишга – тиш» қоидаси қўлланиши мумкинлиги белгиланган. XX асрнинг 20-30 йилларига келиб, ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш чораси жиноят қонунчилигида зарурий мудофаанинг таркибий қисми сифатида ўз ифодасини топган.

Муаллиф олимларнинг фикрларини таҳлил қилиб, «ижтимоий хавfli қилмиш» «жиноят»га нисбатан кенгрок тушунча эканлигини қайд этади. Ижтимоий хавfli қилмишда жиноятнинг зарурий белгиси сифатида айб ёки жиноий жазога лойиқлик белгилари бўлиши, айрим ҳолларда эса бўлмаслиги мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддасида фақат жиноят сифатида назарда тутилган ижтимоий хавfli қилмишлар учун зарар етказиб ушлаш ҳуқуқи белгиланган, деган ғояни илгари суради.

Диссертант томонидан суд-тергов амалиётида «ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахс» тушунчаси борасида ихтилофлар мавжудлигини, жиноят қонунида, бошқа норматив ҳужжатларда эса унга аниқ таъриф берилмаганлиги инобатга олиниб, унга муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Ишда «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш» тушунчасига «ушланаётган шахсни бўйин товлаш хатти-ҳаракатларига чек қўйиш мақсади» ва «зарар етказмасдан ушлашнинг бошқа чораси бўлмаганлиги» каби зарурий белгиларни киритиш лозимлиги асосланган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида белгиланган жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш асослари ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш асосларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 39-моддаси ва «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг 21–23-моддаларида ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсга куч ишлатиш ёки зарар етказиб ушлаш асослари тўлиқ ифодаланмаганлиги қайд этилган. Шу сабабли муаллиф мазкур қонунларда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга куч ишлатиш ёки зарар етказиб ушлаш чораларини қўллаш асослари ва чегараларини белгилашни таклиф этган.

Диссертацияда жиноят қонуни нормаларида ушлаш вақтида зарар етказишнинг бошланиш ёки тугалланиш вақти тўғрисидаги қоидалар белгиланмаганлиги боис, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш амалиётини ўрганиш асосида зарар етказиб ушлаш вақтининг чегаралари белгиланган.

Тадқиқотчи суд-тергов амалиёти таҳлилларига асосланиб, шахсни ушлаш вақтида унга жисмоний, мулкӣ ёки маънавий зарар етказиш мумкинлиги ҳамда ушлаш вақтида етказилган зарарнинг турлари амалдаги қонунчиликда кўрсатилмаганлиги боис уларни қўллаш жараёнида турли тушунмовчиликлар келиб чиқаётганини аниқлаган. Шу сабабли мавжуд муаммоларни бартараф қилиш учун уларни жиноят қонуни нормаларида белгилаш зарур, деган хулосага келган.

Тадқиқот натижасида ушлаш вақтида ушлаш чораларини қўраётган шахс томонидан етказиладиган зарар турларига қуйидаги таърифлар берилган:

мулкӣ зарар – ушланаётган шахснинг ёки юридик шахсларнинг мол-мулкига (уй-жойи, машинаси, кийим-кечаги ва бошқаларга) етказилган зарар;

маънавий зарар – ушланаётган шахснинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф соладиган хатти-ҳаракатлар (ушланаётган шахсни уриш, дўппослаш, ён атрофига ўқ узиш) билан қўрқитиш, жисмоний зарар етказмаган ҳолда куч ишлатиш, қўлини қайириш ёки алдов йўли билан руҳий таъсир кўрсатиш ва ҳ.к.;

жисмоний зарар етказиш – жисмоний куч, махсус восита, қурол ва бошқа нарсалар ёрдамида ушланаётган шахснинг баданига енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилиши.

Шунингдек, диссертация ишида 2012–2018 йилларда ички ишлар органлари ходимларининг қонуний талабларини бажармаслик, ўз хизмат бурчини бажаришларига қаршилик кўрсатиш, ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга фаол қаршилик кўрсатиш, ижтимоий

после слов «нарушение таможенных правил» дополнить словами «нанесение умышленных средней тяжести телесных повреждений с превышением пределов необходимой обороны или необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние»;

2) дополнить статьей 52¹ следующего содержания:

«Статья 52¹ Причинение умышленных средней тяжести телесных повреждений с превышением пределов необходимой обороны или необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние

Причинение умышленных средней тяжести телесных повреждений с превышением пределов необходимой обороны или необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние, –

влечет наложение штрафа от десяти до тридцати минимальных размеров заработной платы или административный арест до пятнадцати суток».

2.4. Изменения, предлагаемые для внесения в Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел»:

1) дополнить **часть первую статьи 21** словами:

«При необходимой обороне, крайней необходимости, задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, в случае отсутствия у сотрудника органов внутренних дел огнестрельного оружия или специальных средств он может использовать все подручные средства, в том числе в определенном законом порядке оружие и средства, входящие в перечень видов оружия, состоящих на вооружении органов внутренних дел»;

2) **пункт 3 части первой статьи 24** изложить в следующей редакции:

«задержании лица, застигнутого при совершении тяжкого или особо тяжкого преступления и пытающегося скрыться, если иными средствами задержать это лицо не представляется возможным»;

3) дополнить статьей 24¹ следующего содержания:

«Статья 24¹. Пределы причинения вреда с применением физической силы, специальных средств и огнестрельного оружия

При задержании вооруженного лица, в случае, когда оно оказывает общественно опасное сопротивление, опасное для жизни и здоровья лица, осуществляющего меры по задержанию, не подчиняется, уклоняется от задержания или пытается скрыться, в соответствии с его опасными действиями и возможностями, обстоятельствами задержания, а также особенностями и степени опасности совершенного им деяния до задержания можно использовать имеющиеся силы и средства, огнестрельное оружие и осуществить меры по задержанию с умышленным причинением ему телесных повреждений легкой, средней тяжести и тяжких телесных повреждений.

При задержании невооруженного лица можно осуществить меры по задержанию с причинением легкой и средней тяжести телесных повреждений.

Пределы причинения вреда посягающему при необходимой обороне от общественно опасных посягательств на жизнь, здоровье, честь и достоинство, имущество сотрудника органов внутренних дел или других лиц, интересы государства и общества, мир и безопасность человечества определяются в

мер задержания, является основанием для задержания с применением силы или причинением вреда».

3) Изложить **часть третью статьи 39** в следующей редакции:

«При оценке правомерности причинения вреда и пределов превышения мер, необходимых для задержания лица, совершившего общественно опасное деяние, учитываются особенности и степень общественной опасности содеянного, был ли вооружен или невооружен задерживаемый во время задержания, опасные действия и возможности задерживаемого по уклонению от задержания, оказание сопротивления, попытка к бегству или скрытию, обстоятельства задержания, а также обстоятельства, связанные с невозможностью применения других мер задержания без причинения вреда с помощью сил и средств задерживающего, психическое состояние лица, осуществляющего меры по задержанию».

4) Дополнить **статью 39 частью пятой** следующего содержания:

«При задержании лицу, совершившему общественно опасное деяние, может быть причинен физический, имущественный и моральный вред».

5) Изложить **часть шестую статьи 39** в следующей редакции:

«Умышленное причинение вреда задерживаемому лицу, не соответствующее средствам и методам задержания, степени опасности деяния и лица, совершившего общественно опасное деяние, а также полное несоответствие обстоятельств задержания, не предполагающее необходимость задержания, считается превышением необходимых мер задержания. За причинение вреда по неосторожности задерживаемому лицу при осуществлении мер по задержанию с превышением необходимых мер задержания, лицо, осуществляющее меры по задержанию, не привлекается к уголовной ответственности».

6) Дополнить **статью 37 частью пятой** следующего содержания:

«Не допускается лишение жизни человека. Допускается применение необходимых мер обороны, повлекших за собой осознанное лишение жизни посягающего, только в случае, когда защита жизни обороняющегося лица и других людей является абсолютно необходимой мерой».

7) **Пункт «е» статьи 55 изложить** в следующей редакции:

«е) совершение преступления при превышении пределов правомерности необходимой обороны, крайней необходимости, необходимых мер при задержания лица, совершившего общественно опасное деяние, оправданный профессиональный или хозяйственный риск»;

2.2. Изменения, предлагаемые для внесения в Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан:

1) **В части первой статьи 325:**

После слов «частью первой статьи 105» дополнить словами «частью первой статьи 108»;

2.3. Изменения, предлагаемые для внесения в Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности:

1) **в часть первую статьи 16:**

хавфли тажовузлар орқали уларнинг баданига шикаст етказиш ёки ҳалок бўлишига олиб келиш каби ҳолатлар таҳлил қилинган.

Сўнгги йилларда ички ишлар органи ходимлари томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга зарар етказиб ушлаш чораси камайганлиги қайд этилиб, уларнинг сабаблари ўрганилиб, ушлаш вақтида зарар етказиш чорасининг самарали қўлланишига салбий таъсир кўрсатаётган қуйидаги омиллар кўрсатилган: 1) ушлаш амалиётида ички ишлар органи ходимлари замонавий фан-техника воситалари (масалан, электрошок қурилмалари ва бошқалар) билан тўлиқ таъминланмаганлиги; 2) айрим тезкор вазиятларда зарар етказиб ушлаш вақтида гувоҳлар билан таъминлаш имконининг йўқлиги; 3) ички ишлар органида ёки ҳарбий олий таълим муассасаларида зарар етказиб ушлаш билан боғлиқ махсус амалий тренинг машғулоти етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва ҳ.к.

Муаллиф ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ўз вақтида ушлаш чораларини кўришнинг жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, одил судлов амалга оширилишини таъминлаш каби вазифаларнинг бажарилишига самарали хизмат қилишини таъкидлаган, ички ишлар органи ходимларининг ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ўз вақтида аниқлаш ва уни ушлашга қаратилган фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиққан.

Диссертациянинг «**Ички ишлар органи ходимларининг ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишига оид жиноят-ҳуқуқий нормаларни қўллаш тартиби ва чегараларининг назарий-амалий таҳлили ҳамда уларни такомиллаштириш**» номли иккинчи бобида ушланаётган шахс содир этган қилмишнинг ижтимоий хавфлили хусусияти ва даражасини аниқлаш ҳамда уларга мос тарзда зарар етказиб ушлаш чегараларини белгилаш, қуролланган ёки қуролланмаган шахсларни ушлаш вақтида зарар етказиш тартиби ва чегараларини аниқлашда учраётган муаммолар, уларни бартараф этиш масалалари таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижасида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга зарар етказиб ушлаш мумкин бўлмаган ҳолатлар аниқланиб, асослантириб берилган.

Тадқиқот ишида тезкор вазиятларда ушланаётган шахс содир этган қилмишнинг ижтимоий хавфлили хусусияти ва даражасини аниқлашдаги муаммолар (масалан, шахснинг баданига шикаст етказиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича тегишли экспертизалар ўтказмай туриб, ижтимоий хавфлили даражасини аниқлаш имкони йўқлиги) юзага келаётгани ҳамда фактик хатоларга йўл қўйилаётгани аниқланган. Шу боис муаллиф ушлаш чораларини кўраётган шахс тезкор вазиятларда ушланишдан бўйин товлаётган шахс содир этган қилмишнинг объектив ва субъектив белгиларига аниқлик киритилиши лозимлигини қайд этади. Шу билан бирга, агар унинг қилмишига дарҳол ҳуқуқий баҳо бериш имкони бўлмаган вазиятларда, қилмишнинг ташқи (объектив) белгиларига ёки бошқа маълумотларга (масалан, жабрланувчи ёки гувоҳларнинг кўрсатмалари ёки бошқаларга) асосланиб аниқлик киритилиши лозимлигини асослайди.

Тадқиқотчи ушлаш чораларини кўрган шахс йўл қўйган фактик хатолари учун жиноий жавобгарликка тортмаслиги зарур деган фикрни илгари сурган. Чунки зарар етказиб ушлаш зарур бўлган тезкор вазиятларда ушлаш чорасини кўраётган шахс ушланаётган шахс томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасини аниқлашда янглишган ёки жиноят сифатида баҳоланган қилмишнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик эканлигини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етмаган, ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ҳолатларда ушланаётган шахсга нисбатан зарар етказиб ушлаш чорасини қўллаган бўлса, шахснинг бундай қилмиши *фактик хато* деб топилиб, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилиниши асосланган.

Шунингдек, ушлаш чораларининг амалга оширилишида йўл қўйилган фактик хатолар туфайли ушланаётган шахсга асоссиз зарар етказилганида ушбу зарар ушлаш чораларини амалга оширган шахс томонидан тўлиқ қопланиши шартлиги, ушланаётган шахсга етказилган зарар ихтиёрий равишда қопланмаган тақдирда фуқаровий тартибда суд томонидан мажбурий ундириб берилиши лозимлиги қайд этилади. Муаллиф мазкур қоидаларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорига киритилишини тавсия қилган.

Тадқиқотчи олимлар ва катта амалий тажрибага эга ходимларнинг ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсга зарар етказиб ушлаш чегараларини аниқлаш борасидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганиб, зарар етказиб ушлашнинг юқори чегаралари қуйидаги омил (мезон)ларга асосан аниқланишини кўрсатган:

биринчидан, ушланаётган шахс томонидан содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавfliлик хусусияти ва даражасига;

иккинчидан, юзага келган вазиятга, ушлаш вақтида ушланаётган шахснинг қуролланган ёки қуролланмаганлиги, ушланишдан бўйин товлаб қаршилик кўрсатганлиги, қонуний талабларга бўйсунмаганлиги, қочиш ёки яширинишга урингани ҳамда унинг имкониятларига.

Диссертацияда ушланишдан бўйин товлаган қуролланган шахснинг ижтимоий хавfli қаршилик кўрсатиши тажовуз хусусиятига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги кўрсатилган.

Суд-тергов амалиётини ўрганиш асосида ушланишдан бўйин товлаган шахсларнинг ички ишлар органлари ходимларига қуролли тажовуз қилиши кўпайганлиги қайд этилади. *Ушланишдан бўйин товлаб қуролли тажовуз қилиши деганда* ушланаётган шахснинг ўқотар ёки совуқ қурол, портловчи моддалар ҳамда бошқа ҳар қандай восита (пичоқ, арматура, ойна синиғи, тош каби нарсалар)лардан фойдаланиб, ушлаш чораларини кўраётган шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига ижтимоий хавfli тажовуз қилиши ёки қаршилик кўрсатиши тушунилади. Муаллиф ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахс ушланиш вақтида ходимнинг ёки бошқа фуқароларнинг ҳаётига тажовуз қилганида зарурий муҳофаа чоралари кўрилади, деган хулосага келган.

касаюшиеся лица, совершившего общественно опасное деяние (задерживаемого), и условия, касающиеся обстановки задержания с причинением вреда и лица, осуществляющего меры по задержанию (задерживающего).

В первую группу входят: совершение задерживаемым общественно опасного деяния; его вооруженность или невооруженность, неподчинение законным требованиям задерживающего, оказание сопротивления, попытка к побегу или скрытию, истечение срока привлечения к уголовной ответственности или наказания.

Во вторую группу входят: условия наличия цели пресечения действий лица по уклонению от задержания и передача его органам власти, неудобство условий задержания, отсутствие других мер по задержанию без причинения вреда с помощью сил и средств задерживающего, психическое состояние задерживающего, а также такие правовые условия, как соответствие задержания с причинением вреда правилам, определяющим пределы задержания.

7. Институты причинения вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, и институты необходимой обороны отличаются друг от друга наличием посягательства при задержании. В частности: в случае, когда лицо, совершившее общественно опасное деяние, незаконным путем уклонилось от задержания, не подчинилось и попыталось скрыться, убежать или оказать сопротивление, не имеющее характер общественно опасного посягательства для жизни и здоровья лица, осуществляющего меры по задержанию, то по отношению к нему принимается правовая мера *нанесение вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние*; в случае, когда лицо, совершившее общественно опасное деяние, попыталось оказать сопротивление, представляющее угрозу для жизни или здоровья, прав лица, осуществляющего меры по задержанию, или граждан, интересам государства или общества, то по отношению к нему принимаются *меры необходимой обороны*.

II. Предложения по совершенствованию норм законодательства

2.1. Предлагается внести в Уголовный кодекс Республики Узбекистан следующие изменения и дополнения:

1) Изложить **часть первую статьи 39** в следующей редакции:

«не является преступлением причинение вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, *с целью пресечения действия лица по уклонению от задержания и передачи его органам власти, если нет другой возможности задержания без причинения вреда* и не превышены необходимые меры для задержания».

2) Изложить **часть вторую статьи 39** в следующей редакции:

«*При задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, наряду с основаниями, указанными в статье 221 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан, неподчинение задерживаемого лица законным требованиям лица, осуществляющего меры по задержанию, оказание ему сопротивления, попытка к бегству или скрытию, а также отсутствие других*

задержании лица, совершившего общественно опасное деяние» определяет право задержания с причинением умышленного вреда по поводу преступлений, предусмотренных в Уголовном кодексе Республики Узбекистан.

2. Под *лицом, совершившим общественно опасное деяние* следует понимать вменяемое или невменяемое лицо, совершившее деяние, запрещенное уголовным законом, и достигшее возраста привлечения к уголовной ответственности.

3. Под *временем задержания лица, совершившего общественно опасное деяние, с причинением ему вреда* следует понимать время, прошедшее с момента, когда лицо, уклоняющееся от задержания, не подчиняется законным требованиям лица, принимающего меры по задержанию, начинает оказывать ему сопротивление, пытается укрыться от задержания, в то время, как отсутствуют другие меры по задержанию без причинения вреда до тех пор, пока задерживаемое лицо не будет задержано или действия по оказанию сопротивления будут устранены.

4. Если при задержании лица приходится причинить ему вред, лицо, осуществляющее меры по задержанию, исходя из объективных и субъективных признаков деяния, должно принять соответствующие меры. В случае возникновения оперативной и неотложной ситуации, а также в случае, когда лицо, осуществляющее меры по задержанию при задержании не имеет возможности внести полную ясность во все признаки деяния, оно по внешним (объективным) признакам деяния или другим сведениям (например, показания потерпевшего или свидетелей) вносит ясность в определение особенности и степени опасности общественного деяния и обязан принять меры по задержанию лица.

5. Задержание с причинением вреда должно быть запрещено при следующих обстоятельствах: если лицо, совершившее общественно опасное деяние, подчинилось законным требованиям лица, осуществляющего меры по задержанию, не оказывало сопротивления, не пыталось скрыться; если существуют другие меры задержания без причинения вреда; если сроки привлечения к уголовной ответственности или наказанию задерживаемого лица истекли; если налицо факт беременности женщины, инвалидности лица, его несовершеннолетия (случаи оказания вооруженного сопротивления, нападения с угрозой нанесения вреда жизни или здоровью сотрудника органов внутренних дел или граждан являются исключением); если лицо совершило административное правонарушение; если потерпевший в порядке, предусмотренном статьей 325 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан, подало заявление об отсутствии претензии или согласно статье 66¹ Уголовного кодекса Республики Узбекистан выразило желание к примирению; лицо, совершившее преступление имеет иммунитет (депутаты, сенаторы, уполномоченный Олий Мажлиса Республики Узбекистан по правам человека (Омбудсман), судьи и прокуроры) и если отсутствует разрешение соответствующего органа (случаи задержания при совершении преступления или задержания непосредственно после совершения преступления являются исключением).

6. Правовые условия причинения вреда во время задержания лицу, совершившему общественно опасное деяние, делятся на две группы: условия,

Ички ишлар органининг ходими ўзининг ёки фуқароларнинг ҳаётига бевосита таҳдид солаётган хавф мавжуд бўлганида ёхуд террорчилик ҳаракатларини содир этмоқчи бўлган шахсларни зарарсизлантиришда ўқотар қуролини огоҳлантиришсиз қўллаши асослантирилган.

Диссертантнинг фикрича, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида уни ҳаётдан маҳрум қилиш мумкин эмас, инсон ҳаётини ҳимоя қилиш мутлақо зарурий чора бўлган тақдирдагина бунга йўл қўйилади. Мазкур қоида зарурий мудофаа чорасини қўллаётган шахснинг ҳам, ушланаётган шахснинг ҳам ҳаётини ҳимоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ишда ушлаш вақтида ички ишлар органи ходимининг ёнида ўқотар қурол ёки махсус воситалар бўлмаганида зарурий мудофаа, охирги зарурат ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни қўл остидаги барча воситалардан фойдаланиб ушлаш қоидаларининг Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунига киритилиши зарурлиги асослантирилган.

Ушланаётган шахснинг ушланишдан бўйин товлаши деганда ушланаётган шахс ушлаш чораларини кўраётган шахсга ёки бошқа фуқароларга (ижтимоий хавфли тажовуз қилмасдан) бўйсунмаслиги, унга қаршилик кўрсатиши, ушланишдан қочиши ёки яширинишга уриниши тушунилмоғи кераклиги қайд этилади.

Муаллиф қуролланган шахс ходимнинг қонуний талабларини бажармаган вақтдан бошлаб унга нисбатан жисмоний куч ишлатиш ёки зарар етказиб ушлаш чораларини кўриши мумкин, деган хулосага келган. Шу билан бирга, диссертант қуролланган, аммо қонуний талабларга бўйсунган шахсни қўлга олиш ва бунда қонуний талабларга бўйсунмаган шахсни зарар етказиб ушлаш тартибини ҳамда унинг чегараларини қуйидагича изоҳлайди:

биринчидан, барча ҳолатларда қуролланган шахсни ушлаш чораси, аввало, қулай вазиятдан келиб чиқиб, фуқароларнинг ҳамда ички ишлар органлари ходимларининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдидларнинг олдини олиш, шунингдек ҳуқуқбузарнинг қочиб кетиш ёки яшириниш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Айрим ҳолларда ушланаётган шахс томонидан қуролли қаршилик кўрсатилишининг олдини олиш мақсадида унга ушлашнинг сабаби ва мақсадини маълум қилмаган ҳолда баданига енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб ушлаш чоралари кўрилади;

иккинчидан, ходим қуролланган шахсни ушлаш вақтида хавфсиз масофада туриб ўқотар қуролни қўллаши ҳақида огоҳлантиради. Агар ушланаётган шахс ходимнинг қонуний талабларини бажарса, қуроли ерга, қўли бошининг орқасига қўйдирилади ҳамда унга зарар етказмаган ҳолда ушлаш чоралари кўрилади. Бироқ ушланаётган шахс ходимнинг қонуний талабларини бажармай, ходим ёки бошқа фуқароларнинг ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид солса, ушланаётган шахснинг ижтимоий хавфли тажовузини бартараф этиш мақсадида унга қарата ўқотар қуролдан ўқ узиб, баданига енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб ушлаш чораси кўрилади.

Муаллиф қуролланган шахснинг қочишга уриниши деганда ушланаётган шахс ўқотар ёки совуқ қурол, портловчи модда ҳамда бошқа ҳар қандай нарса билан қуролланган ҳолда транспорт воситасида ёки пиёда ёхуд бошқа воситалар ёрдамида қочишга уринганлиги ёки қочганлигини тушуниш лозимлиги ҳақида фикр билдирган. Тадқиқотчи қочишга уринган шахснинг ходим томонидан берилган тўхташ ёхуд қуроли ёки бошқа воситаларини ташлаш тўғрисидаги қонуний талабларини бажармаганида, вазиятдан келиб чиқиб, унга нисбатан куч ишлатиш ёки зарар етказиб ушлаш чораларини кўриш мумкин, деган хулосага келган.

Ишда амалиётчи ходимлар ва олимларнинг қуролланган шахс яширинишга уринган ҳолатлар борасидаги фикрлари, миллий ва хорижий давлатлар (АҚШ, Германия, Франция) қонун ҳужжатлари таҳлил қилиниб, зарар етказиб ушлаш чегаралари аниқланган. Диссертантнинг фикрича, *қуролланган шахснинг яширинишга уриниши* – ушланаётган шахснинг ўқотар ёки совуқ қурол, портловчи модда ва бошқа воситалар билан қуролланган ҳолда очик жойда ёки бинолар ичида, транспорт воситаларида ва бошқа жойларда яширинишга уриниши ёки яширинишидир. Муаллиф яширинишга уринган қуроли шахсни ушлаш вақтида, вазиятдан келиб чиқиб, унга содир этишга тайёргарлик кўраётган, суиқасд қилган ёки содир этган ижтимоий хавфли қилмишининг хусусияти ва даражасига мутаносиб равишда зарар етказиб ушлаш чоралари кўрилиши мумкин, деган хулосага келади.

Тадқиқотда қуролланган шахсни ушлаш вақтида унинг баданига енгил, ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиб ушлаш чоралари кўрилиши мумкин, деган нуқтаи назар исботланиб, мазкур қонун Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунига киритиш лозимлиги асослантирилган.

Диссертация ишида ушланаётган шахснинг қурол ёки бошқа воситалардан фойдаланмай фуқаролар ёхуд ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб қилган тажовузи (масалан, ушлаш чораларини кўраётган шахсни бўғишга уриниши)га қарши зарурий муҳофаза чораси кўрилиши мумкинлиги асослантирилган.

Ушланаётган шахсларнинг ички ишлар органи ходимларига фаол ёки пассив қаршилик кўрсатишини тадқиқ этиш асосида қуролланмаган шахснинг жисмоний қаршилик кўрсатишига таъриф берилган: *ушланаётган шахснинг жисмоний қаршилик кўрсатиши* унинг ҳеч қандай қурол ёки бошқа воситасиз ходимнинг қўлига зарба бериши, уни итариб юбориши, қамаб қўйиши, уй эшигини ёпиб олиши ёки бошқа ҳаракатлар орқали ички ишлар органи ходимининг ўз вазифаларини бажаришига ҳар қандай тарзда халал беришидир.

Жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш, жисмоний қаршилик кўрсатган шахсни, аввало, ходим шахсан ўзи ёки бўлинма (гурух) таркибида жисмоний куч ишлатиш, шу жумладан курашнинг жанг усулларини қўллаши, ички ишлар органларининг ўзга ходимлари ёрдамидан ёки зарар етказмасдан ушлашнинг бошқа восита ва усулларида фойдаланиши, бошқа чораси қолмаганда эса ушланаётган шахс содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига мос ҳолда сўнгги чора сифатида унинг

Исследователь в целях улучшения судебной практики разработал правила оценки превышения необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние, а также обосновал предложение по разъяснению их в соответствующих постановлениях Пленума Верховного суда Республики Узбекистан.

В связи с тем, что в следственной практике имеются случаи превышения мер, необходимых при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, или превышения мер необходимой обороны и нанесения умышленных средней тяжести телесных повреждений, а также в уголовном законодательстве зарубежных государств предусмотрена уголовная ответственность, автор отметил на необходимость установления ответственности за вышеуказанные случаи в Кодексе Республики Узбекистан об административной ответственности.

Автор в ходе исследования изучил заключения служебных расследований, материалы следственной и судебной практики по случаям нанесения умышленных особо тяжких телесных повреждений с превышением пределов необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние. В результате этого сделан вывод о том, что, в случае обращения потерпевшего с заявлением в процессе проведения доследственной проверки и отказа от своего иска до возбуждения уголовного дела, обвиняемого не следует привлекать к уголовной ответственности.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

В результате проведенных исследований были разработаны общетеоретические выводы, предложения и рекомендации, касающиеся совершенствования норм законодательных актов, а также развития практики законоприменения. Выводы охватывают три основных направления:

I. Научно-практические выводы, направленные на развитие уголовного права в соответствии с современными требованиями

1. Понятие «общественно опасное деяние» гораздо более шире понятия «преступление». Вина, являющаяся необходимым признаком «общественно опасного деяния», может быть уголовного наказуемой, либо нет. Однако согласно ч. 2 статьи 14 Уголовного кодекса Республики Узбекистан «Преступлением признается виновное общественно опасное деяние (действие или бездействие), запрещенное настоящим Кодексом под угрозой применения наказания». Данное понятие в кодексе охватывает только общественно опасные деяния, предусмотренные в качестве преступления. В связи с этим в отличие от понятия «лицо, совершившее преступление», предусмотренного в нормах уголовного законодательства зарубежных стран, определяющих меру задержания с причинением вреда, в статье 39 Уголовного кодекса Республики Узбекистан правильно и уместно использовано понятие «лицо, совершившее общественно опасное деяние», так как, суд выносит последнее заключение о признании лица, совершившим преступление. В связи с этим норма «причинение вреда при

В третьей главе диссертации «**Правовая оценка действий, превышающих пределы необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние, и совершенствование практики привлечения к уголовной ответственности**» проанализировано понятие «превышение пределов необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние», дана ее правовая оценка, и разработаны предложения и рекомендации, касающиеся совершенствования привлечения к ответственности.

Были проанализированы преступления, связанные с превышением необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние, и сделано заключение, что общественные отношения, обеспечивающие сохранность жизни, здоровья, имущества, чести и достоинства личности, а также определяющие порядок причинения вреда при задержании считаются *объектом преступления*.

По мнению автора, *объективная сторона* превышения пределов необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние, – это умышленное нанесение особо тяжких телесных повреждений задерживаемому лицу или его умышленное убийство при наличии других мер задержания и отсутствия необходимости их применения.

Сделан вывод о том, что *субъектом* преступления являются должностные лица (специальный субъект) органов внутренних дел, Национальной гвардии, Службы государственной безопасности, прокуратуры и таможенной службы, а также вменяемые физические лица, достигшие возраста привлечения к ответственности, то есть потерпевшие, свидетели и другие граждане (общий субъект).

Диссертант, опираясь на материалы следственной и судебной практики, подчеркнул, что практика оценки субъективной стороны преступлений, совершенных с превышением необходимых мер задержания лица, и практика назначения наказаний не одинакова, и было выявлено наличие некоторых ошибок. Автор указал, что некоторые сотрудники по неосторожности при оценке превышения необходимых мер задержания лица, совершившего общественно опасное деяние, опираются на ее объективную сторону, то есть на произошедшие события и заключения экспертизы. Подчеркнуто, что они не всегда обращают внимание на субъективную сторону (например, наступление смерти в результате рикошета пули, перелом руки задерживаемого лица с целью скручивания его руки во время задержания и другие случаи). Обосновано, что лицо, осуществляющее меры по задержанию, не должно привлекаться к уголовной ответственности за причинение вреда с превышением необходимых мер задержания в результате неосторожности.

Обосновано, что после применения физической силы, специальных средств и огнестрельного оружия при явной угрозе нанесения вреда жизни или здоровью граждан, а также нанесении ущерба личному имуществу, сотрудник должен сохранить место происшествия без изменений, руководитель органа внутренних дел должен немедленно сообщить территориальному прокурору о случившемся, и уполномоченный руководитель должен провести служебное расследование.

баданига қасддан енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиб ушлаши мумкин, деган хулосага келинган.

Изланувчининг фикрича, *қуролланмаган шахснинг бўйсунмаслиги* – унинг ушлаш чораларини кўраётган шахснинг қонуний талабларини қасддан бажармаслиги, шунингдек ҳокимият органларига бориши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда ушбу талабларни бажаришдан бош тортишидир.

Диссертант ушлаш вазиятлари, шарт-шароитлари, ҳолатлари ҳамда ушлаш чораларини кўраётган шахснинг имкониятлари ва ушлаш усулларига оид қарашларни таҳлил қилиб, қуролланмаган шахс асосан оғир ёки ўта оғир жиноят содир этиб қочишга уринишини кўрсатган. Муаллифнинг фикрича, *қуролланмаган шахснинг қочишга уриниши* унинг ушлаш чораларини кўраётган шахснинг тўхташ тўғрисидаги огоҳлантиришига қарамай қочиш билан боғлиқ ҳар қандай (пиеда, транспорт ва бошқа воситалар ёрдамида) ҳаракатни давом эттиришидир.

Ишда *қуролланмаган шахснинг яширинишга уриниши* деганда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахснинг қасддан бино, транспорт воситалари ва бошқа жойларга яшириниши ҳамда шу билан боғлиқ бошқа хатти-ҳаракатлари тушунилади.

Диссертацияда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган қуролланмаган шахс қочишга ёки яширинишга уринганида уни содир этилган қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусияти ва даражасига мос ҳолда, баданига қасддан енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиб ушлаш мумкин, деган хулоса қилинади.

Диссертант ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг ҳуқуқийлик шартларини икки гуруҳга, яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс (ушланувчи)га тааллуқли шартлари ҳамда зарар етказиб ушлашни амалга ошириш шароитига ва ушлашни амалга оширувчи шахс (ушловчи)га тааллуқли шартларга ажратган.

«Ички ишлар органлари ходимларининг ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш ва жавобгарликка тортиш амалиётини такомиллаштириш» номли учинчи бобда «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш» таҳлил қилиниб, унга ҳуқуқий баҳо берилган ва жавобгарликка тортиш амалиётини такомиллаштиришга доир таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиш билан боғлиқ жиноятлар таҳлил қилиниб, ушланаётган шахснинг ҳаёти, соғлиғи, мулки, шаъни ва қадр-қимматини таъминловчи ҳамда ушлаш вақтида зарар етказиш тартибини белгиловчи ижтимоий муносабатлар *жиноят объекти* ҳисобланади, деган хулосага келинган.

Муаллифнинг фикрича, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқишнинг *объектив томони* – ушлашнинг бошқа чоралари бўла туриб, зарурат бўлмагани ҳолда ушланаётган шахснинг баданига қасддан оғир шикаст етказиш ёки уни қасддан ўлдиришидир.

Жиноятнинг *субъекти* ички ишлар органлари, миллий гвардия, давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура ва божхона хизматининг мансабдор шахслари (махсус субъект) ҳамда жавобгарликка тортиш ёшига етган, ақли расо жисмоний шахслар, яъни жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа фуқаролар (умумий субъект)дир, деган хулосага келинган.

Диссертант тергов ва суд амалиёти материалларига асосланиб, шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб содир этилган жиноятларнинг субъектив томонини ҳуқуқий баҳолаш ва жазо тайинлаш амалиёти бир хил эмаслигини қайд этиб, баъзан хатоларга йўл қўйилаётганлигини аниқлаган. Муаллиф айрим ходимлар эҳтиётсизлик оқибатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқишни баҳолашда жиноятнинг объектив томонига, яъни рўй берган оқибатлари ва экспертиза хулосаларига асосланаётганликларини кўрсатган. Улар субъектив томон белгиларига (масалан, отилган ўқнинг рикошет учиши натижасида ўлим келиб чиқиши, ушлаш мақсадида шахснинг қўлини қайириш натижасида ушланаётган шахснинг қўли синиб қолиши ва бошқа ҳолатларга) кам эътибор бераётганликлари қайд этилган. Ушлаш чораларини кўраётган ходим шахсни ушлаш вақтида эҳтиётсизлик оқибатида чегарадан чиқиб зарар етказганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмаслиги лозимлиги асосланган.

Жисмоний куч ишлатилганлиги, махсус воситалар ва ўқотар қурол қўлланилганлиги натижасида фуқаронинг ҳаёти, соғлиғига ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган бўлса, ходим ҳодиса жойини ўзгаришсиз сақлаши, ҳолат тўғрисида ички ишлар органи раҳбари томонидан дарҳол ҳудудий прокурорга хабар берилиши ва ваколатли раҳбар томонидан хизмат текшируви ўтказилиши лозимлиги асосланган.

Тадақиқотчи суд-тергов амалиётини яхшилаш мақсадида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқишни баҳолаш қоидаларини ишлаб чиққан ҳамда улар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларида тушунтириш бериш таклифини асосланган.

Муаллиф тергов амалиётида зарурий мудофаа ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказганлик ҳолатлари мавжудлиги ҳамда хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида бунинг учун жиноий жавобгарлик назарда тутилганлиги боис, юқоридаги ҳолатлар учун «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига жавобгарлик белгиланиши зарурлигини кўрсатган.

Муаллиф тадақиқот давомида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш ҳолатлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувларининг хулосалари, тергов ва суд амалиёти материалларини ўрганган. Бунинг натижаси ўлароқ, терговга қадар текширув жараёнида жабрланувчи ариза билан мурожаат

граждан и сотрудника (попытка к удушению лица, осуществляющего меры по задержанию), можно применять меры необходимой обороны.

На основании исследования активного или пассивного сопротивления оказываемого задерживаемыми лицами сотрудникам органов внутренних дел было дано определение физического сопротивления невооруженного лица: *оказание физического сопротивления задерживаемого лица* – это создание различных препятствий исполнению сотрудником органов внутренних дел своих обязанностей без применения оружия или других средств путем нанесения удара по руке сотрудника, его выталкивание, запираение, закрывание домашней двери на ключ и другие действия.

Сделан вывод о том, что сотрудник должен задержать лицо, оказавшее физическое сопротивление, используя, в первую очередь, приемы боевого самбо, помощь других сотрудников органов внутренних дел или других средств и методов задержания без причинения вреда. В случае отсутствия других мер, в соответствии с особенностью и степенью общественной опасности содеянного задерживаемым лицом в качестве крайней меры задержать его с причинением легких или средней тяжести телесных повреждений.

По мнению исследователя, *неподчинение невооруженного лица* – это умышленное неисполнение законных требований лица, осуществляющего меры по задержанию, а также уклонение от выполнения требований, касающихся необходимости и должности посещения органов власти.

Диссертант, проанализировав взгляды, касающиеся обстоятельств задержания, условий, возможности и методов задержания лица, осуществляющего меры по задержанию, показал, что невооруженное лицо пытается бежать, совершив в основном тяжкое преступление или преступление средней тяжести. По мнению автора, *попытка к бегству вооруженного лица* – это любое продолжение движения задерживаемого лица (пешком, на транспорте или других средствах), связанное с бегством, несмотря на предупреждение об остановке лица, осуществляющего меры по задержанию.

В работе *под попыткой к скрытию невооруженного лица* понимается умышленное скрытие лица, совершившего общественно опасное деяние, в здании, транспортных средствах и других местах, а также другие, связанные с этим действия.

В диссертации сделано заключение, что при попытке к бегству или скрытию невооруженного лица, совершившего общественно опасное деяние, в соответствии с особенностью и степенью общественной опасности совершенного им деяния его можно задержать с умышленным причинением легких или средней тяжести телесных повреждений.

Диссертант разделил на две группы условия правомерности причинения вреда при задержании лица, совершившего общественно опасное деяние, то есть условия, касающиеся лица, совершившего общественно опасное деяние (задерживаемый), а также условия, касающиеся обстоятельств осуществления задержания с причинением вреда и лица, осуществляющего меры по задержанию (задерживающий).

дел, а также возможностей бегства или скрытия правонарушителя. В некоторых случаях, в целях предупреждения вооруженного сопротивления со стороны задерживаемого лица к нему применяются меры задержания с причинением легких, средней тяжести и тяжких телесных повреждений без сообщения ему причин и целей задержания;

во-вторых, сотрудник во время задержания вооруженного лица, стоя на безопасном расстоянии, предупреждает о применении огнестрельного оружия. Если задерживаемое лицо выполняет законные требования, его оружие ставится на землю, руки закладываются за голову, а также к нему применяются меры задержания без причинения вреда. Однако если задерживаемое лицо не выполняет законные требования, посягает на жизнь или здоровье граждан и сотрудников, в целях устранения общественно опасного посягательства этого лица, в его сторону производится выстрел из огнестрельного оружия, и применяются меры по задержанию с нанесением ему легких, средней тяжести и тяжких телесных повреждений.

Автор высказывает мнение, что под *попыткой к бегству вооруженного лица* следует понимать попытку к бегству или бегство на транспортном средстве или пешком задерживаемого лица, вооруженного огнестрельным или холодным оружием, взрывчатым веществом, а также другими предметами. Исследователь пришел к выводу, что в случае неисполнения лицом, пытающимся бежать, законных требований сотрудника прекратить бегство или бросить оружие или другие средства, исходя из ситуации, по отношению к нему можно применить силу или меры по задержанию с причинением вреда.

В работе проанализированы мнения практических сотрудников и ученых о случаях попытки вооруженных лиц скрыться, национальные законодательные документы и документы зарубежных государств (США, Германия, Франция), и выявлены пределы их задержания с причинением вреда. По мнению диссертанта, *попытка к скрытию вооруженного лица* – это попытка к скрытию или скрытие задерживаемого лица, вооруженного огнестрельным или холодным оружием, взрывчатыми веществами и другими средствами на открытом месте или в зданиях, в транспортном средстве и других местах. Автор приходит к выводу, что во время задержания вооруженного лица, пытающегося скрыться, исходя из ситуации к нему можно применить меры по задержанию с причинением вреда в соответствии с особенностями и степенью общественно опасного деяния, которое подготавливалось, на которое было покушение или которое было совершено.

В исследовании была доказана точка зрения, согласно которой во время задержания вооруженного лица по отношению к нему можно принять меры с причинением легких, средней тяжести и тяжких телесных повреждений, и была обоснована необходимость внесения данного положения в Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел».

В диссертации обосновано, что по отношению к насильственному посягательству, осуществленному задерживаемым лицом без использования оружия или других средств, представляющему опасность для жизни и здоровья

этиб, жиноят иши кўзғатилгунга қадар ўз даъвосидан воз кечган тақдирда айбдор жиноий жавобгарликка тортилмаслиги лозим, деган хулосага келади.

ХУЛОСА

Мазкур диссертация тадқиқоти натижасида умумназарий хулосалар, қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштиришга ҳамда қонунни қўллаш амалиётини янада ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хулосалар учта умумий йўналишни қамраб олган бўлиб, қуйидагилардан иборат:

I. Жиноят ҳуқуқини замонавий талаблар даражасида ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий хулосалар

1. «Жиноят» тушунчасига нисбатан «ижтимоий хавфли қилмиш» тушунчаси кенг қамровлидир. «Ижтимоий хавфли қилмиш»да жиноятнинг зарурий белгиси бўлмиш айб ёки жиноий жазога лойиқлик мавжуд бўлиши ҳам, мавжуд бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, «Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади». Мазкур тушунча ушбу кодексда жиноят сифатида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишларнигина қамраб олади. Шу боис, хорижий давлатлар жиноят қонунчилигининг зарар етказиб ушлаш чорасини белгиловчи нормаларида назарда тутилган «жиноят содир этган шахс» тушунчасидан фарқли равишда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 39-моддасида «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс» тушунчаси тўғри ва ўринли қўлланилган. Чунки, жиноят содир этган шахс деб топиш бўйича якуний хулосани суд чиқаради. Шу боис, «ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш» нормаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидан назарда тутилган жиноятлар юзасидан қасддан зарар етказиб ушлаш ҳуқуқини белгилайди.

2. *Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс* деганда жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишни амалга оширган, жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етган ёки етмаган ақли расо ёки норасо шахслар тушунилади.

3. *Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга зарар етказиб ушлаш вақти* деганда ушланишдан бўйин товлаётган шахс ушлаш чораларини кўраётган шахсининг қонуний талабларига бўйсунмасликка, қаршилик кўрсатишга, ушланишдан қочишга ёки яширинишга уринганида унга зарар етказмасдан ушлашнинг бошқа чораси бўлмаган вазиятдан бошланиб то ушлангунича ёки қаршилик кўрсатиш хатти-ҳаракатлари баргараф этилгунича ўтган вақт тушунилади.

4. Шахсни ушлаш вақтида унга зарар етказишга тўғри келса, ушлаш чораларини кўраётган шахс у содир этган қилмишнинг объектив ва субъектив белгиларидан келиб чиқиб, тегишли чоралар кўриши лозим. Тезкор ва кечиктириб бўлмас вазиятлар юзага келган ҳамда ушлаш чораларини кўраётган

шахс ушлаш вақтида содир этилган қилмишнинг барча белгиларига тўлиқ аниқлик киритиш имконига эга бўлмаган тақдирда у қилмишнинг ташқи (объектив) белгилари ёки бошқа маълумотлар (масалан, жабрланувчи ёки гувоҳларнинг кўрсатмалари) асосида қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига аниқлик киритиб, шахсни ушлаш чорасини кўриши зарур.

5. Қуйидаги ҳолларда шахсга қасддан зарар етказиб ушлаш тақиқланмоғи лозим: ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс уни ушлаш чораларини кўраётган шахснинг қонуний талабларига бўйсунган, қаршилик кўрсатмаган, қочиш ёки яширинишга уринмаган бўлса; зарар етказмасдан ушлашнинг бошқа чоралари мавжуд бўлса; ушланаётган шахсни жиноий жавобгарликка ёки жазога тортиш муддатлари ўтиб кетган бўлса; аёлнинг ҳомиладорлиги, шахснинг ногиронлиги, вояга етмаган шахснинг ёши аниқ билиниб турган бўлса (улар қуролли қаршилик кўрсатган, фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли тарзда ҳужум қилган ҳоллар бундан мустасно); шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса; жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида белгиланган тартибда даъвоси йўқлиги ҳақида ёхуд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар юзасидан ярашиш истаги борлигини билдириб ариза берган бўлса; жиноят содир этган шахс иммунитетга эга бўлса (депутатлар, сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), судьялар ва прокурорлар) ва тегишли органнинг рухсати олинмаган бўлса (жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушган ҳоллар бундан мустасно).

6. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг ҳуқуқий шартлари икки гуруҳга, яъни ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс (ушланувчи)га тааллуқли шартларга ҳамда зарар етказиб ушлашни амалга ошириш шароитига ва ушлашни амалга оширувчи шахс (ушловчи)га тааллуқли шартларга бўлинади.

Биринчи гуруҳга ушланаётган шахснинг ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги; қуролланган ёки қуролланмаганлиги, ушлаш чораларини кўраётган шахснинг қонуний талабларига бўйсунмаслиги, қаршилик кўрсатиши, қочиш ёки яширинишга уринганлиги, жиноий жавобгарликка ёки жазога тортилиш муддати ўтмаганлиги киради.

Иккинчи гуруҳга шахснинг ушланишдан бўйин товлаш хатти-ҳаракатларига чек қўйиш ва уни ҳокимият органларига топшириш мақсади мавжудлиги, ушлаш шароитининг ноқулайлиги, ушловчининг куч ва воситалари ёрдамида зарар етказмай ушлашнинг бошқа чоралари йўқлиги, ушлаш чораларини кўрувчи шахснинг руҳий ҳолати ҳамда ушлаш чегараларини белгиловчи қоидаларга мос ҳолда зарар етказиб ушланганлиги каби ҳуқуқий шартлари киради.

7. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш ҳамда зарурий мудофаа институтлари бир-биридан ушлаш вақтида

В диссертации показано, что оказание общественно опасного сопротивления вооруженного лица, уклоняющегося от задержания, может иметь или не иметь свойство посягательства.

На основании изучения судебной-следственной практики было отмечено увеличение числа вооруженных посягательств на сотрудников органов внутренних дел лицами, уклоняющимися от задержания. *Под вооруженным посягательством с уклонением от задержания* следует понимать общественно опасное посягательство задерживаемого лица на жизнь или здоровье лица, осуществляющего меры по задержанию, или других граждан с использованием огнестрельного или холодного оружия, взрывчатых веществ, а также других средств (нож, арматура, кусок стекла, камень и т.д.) или оказание сопротивления. Автор пришел к выводу, что при посягательстве лица, совершившего общественно опасное деяние во время его задержания на жизнь или здоровье сотрудника или других граждан, принимаются меры необходимой обороны.

Обосновано применение огнестрельного оружия в отношении лиц, совершивших террористические акты при проявлении ими явной угрозы нанесения вреда жизни или здоровью сотрудника органов внутренних дел или граждан.

По мнению диссертанта, нельзя лишать жизни лицо, совершившее общественно опасное деяние во время его задержания, это допускается только в случае, когда защита жизни человека является абсолютно необходимой мерой. Данное положение служит обеспечению защиты и лица, осуществляющего меры по задержанию, и задерживаемого лица, а также обеспечению верховенства закона.

Обоснована необходимость внесения в Закон Республики Узбекистан «Об органах внутренних дел» положений, касающихся применения всех подручных средств в случае необходимой обороны, крайней необходимости или задержания лица, совершившего общественно опасное деяние, в случае отсутствия у сотрудника органов внутренних дел огнестрельного оружия или специальных средств.

Подчеркивается, что *под уклонением задерживаемого лица от задержания* следует понимать неподчинение (без общественно опасного посягательства) задерживаемого лица лицу, осуществляющему меры по задержанию, или другим гражданам, оказание им сопротивления, уклонение от задержания или попытку к бегству или скрытию.

